



**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШДА ЛИЗИНГДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

Режа

1. Лизинг тушунчаси ва афзаликлари. Ўзбекистонда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун берилган солиқ имтиёзлари.
2. Лизингдан фойдаланишда лизинг компаниялар ва банкларни ўрни ва аҳамияти. (лизинг компаниялар, банклар ва хорижик кредит линиялари тўғрисда маълумот).
3. Фермер хўжаликлари томонидан лизинг олиш тартиби.
4. Қишлоқ хўжалиги техника ва технологиялари нархлари ва ишлаб чиқарувчи компаниялар тўғрисида маълумот.

ЛИЗИНГ НИМА?

Лизинг - бу молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизингберувчи) иккинчи тарафнинг (лизинголувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган молмulkни (лизинг обьектини) мулк қилиб олади ва уни лизинголувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳак эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИГА БҮЛГАН МУЛК ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни 15-моддасига мувофиқ лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг оловчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишлидир.

Лизинг объектини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш

Қонунга мувофиқ лизинг объекти лизинг оловчи балансида ҳисобга олинади.

Давлат органларида рўйхатдан ўтказилиши талаб этиладиган лизинг обьектлари (Тракторлар ва комбайнлар – “Бошдавтехназорат” инпекциясида, автотранспорт воситалари – “Давлат Йўл ҳаракати хавфсизлиги” бошқармасида) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг ёки лизинг оловчининг номига расмийлаштирилади.

Лизинг берувчининг ҳуқуқлари

Қонунга мувофиқ Лизинг берувчи лизинг шартномаси бўйича қуидаги ҳуқуқларга эга:

Агар, Лизинг оловчи лизинг тўловлари лизинг шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда тўламаса:

- тўлов кечиктирилган (ёки тўланмаган) давр учун ҳосил бўлган қарздорлик суммасига пеня ҳисоблаш;
- “Агробанк”нинг ҳудудий бўлинмаси орқали Лизинг оловчининг банқдаги ҳисоб-китоб рақамига акцептсиз (сўзсиз) ундирилладиган тўлов талабномасини қўйиш;
- “Техникадан фойдаланишни вақтинчалик тақиқлаш далолатномаси”ни тузиб, Техникадан фойдаланишни қарзлар тўлангунига қадар бўлган муддатга тақиқлаш;
- Кафиллик шартномаси асосида Кафилдан лизинг тўловлари бўйича ҳосил бўлган қарзни ва пеняни ундириш;
- Шартномани бир томонлама бекор қилиш ва Техникани Лизинг оловчидан қайтариб олиш.
- Техника йўқотилса, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтирилса, Лизинг оловчиidan тўланмаган барча лизинг тўловларини муддатидан олдин тўлашини талаб этиш.

Лизинг олувчининг ҳуқуқлари

- Лизинг берувчидан шартнома шартларини лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- Техника шартномада келишилган муддатда етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган бўлса етказиб бериладиган Техникадан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш.
- Лизинг берувчи ва Сотувчи (завод) ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан Техниканинг сифати, бутлиги, кафолатли таъмирланиши ва етказиб бериш муддати хусусида Сотувчига талаблар қўйиш.
- Лизинг муддати мобайнида Техникадан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш.
- Шартномада белгиланган лизинг тўловлари тўлиқ тўланганидан сўнг, Техникани мулк сифатида қабул қилиб олиш.


Лизинг берувчининг мажбуриятлари:

- Техникани сотиб олиш ва уни Лизинг олувчига шартномада белгиланган муддатларда топшириш.
- Техникани лизингга берилиши тўғрисида Сотувчига маълум қилиш.
- Техниканинг сифати ва бутлиги, кафолатли таъмирланиши хусусида Ишлаб чиқарувчига, топшириш муддати хусусида Сотувчига талаблар қўйишда Лизинг олувчига ёрдам бериш.

ЛИЗИНГ ОЛУВЧИНИНГ мажбуриятлари:

- Лизинг обьектини, ИШЛАБ ЧИҚАУВЧИНИ ва СОТУВЧИНИ танлаш.
- Техника учун берилган ягона номер белгисини ЛИЗИНГ БЕРУВЧИдан қабул қилиб олиш, Техникага ўрнатиш ва “Давтехназорат” инспекциясининг туман (шаҳар) бўлимида рўйхатга қўйиш.
- Техникани 10 кунлик муддат ичидаги вилоят Техник марказида рўйхатга қўйиш.
- Лизинг тўловларини шартномада белгиланган муддат ва миқдорларда тўлаб бериш.
- Техникадан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда, унинг техник паспортида кўрсатилган ўз вазифаси ва техник имкониятлари даражасида техник шартларга мувофиқ фойдаланиш;
- Техникани ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ шахсларга бошқаришга бермаслик.
- Техникага унинг техник паспортида кўрсатилган муддатларда техник хизматлар кўрсатиш ва бир йилда бир марта техник кўриқдан ўтказиш.
- Техниканинг конструкциясига ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритмаслик.
- Техникани сотмаслик, гаровга қўймаслик, учинчи шахсларга бермаслик, қаровсиз қолдирмаслик, носоз ҳолда фойдаланмаслик ва унга нисбатан бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга оширмаслик.
- ЛИЗИНГ ОЛУВЧИНИНГ ўз мажбуриятини бажармаганлиги (ёки лозим даражада бажармаганлиги) натижасида ушбу шартнома бекор қилинган тақдирда, Техникани ўрнатилган тартибда ЛИЗИНГ БЕРУВЧИга қайтариш.

Ўзбекистонда лизинг берувчилар сони ва таркиби



Лизинг берувчилар	
таркиби	сони
Тижорат банклари	23
Лизинг компаниялари	46
Бошқа лизинг берувчилар	18
Жами:	87

Ўзбекистонда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун берилган солиқ имтиёзлари

Қуидагилар солиқ ва божхона тўловидан озод этилган:

Барча лизинг берувчилар
2012 йил
1 сентябргача

Барча
микрофирмалар ва
кичик корхоналар
2014 йил 1 январгача

Лизинг
тўловлари

Лизинг
объекти
лизинг
даврида

Лизингга бериш
учун Ўзбекистонга
олиб кирилаётган
ускуналар

Лизинг фаолияти бўйича олинган
даромад (фойда) солиги ва ягона солиқ
тўловидан


Қўшимча қиймат
солиги
тўловидан

Мулк
солиги
тўловидан

Божхона
тўловидан

- Шунингдек, лизинг олувчининг солиқ үндириладиган даромад базаси лизинг фоизлари суммасига камайтирилади.

Ўзбекистонда 2005-2012 йилларда лизинг операциялари ҳажмининг ўсиш динамикаси



Компаниянинг асосий мижозлари:

Фермер хўжаликлари

Машина-трактор
парклари

“Қишлоқхўжаликкимё”
компаниясининг
худудий бўлинмалари

“Агротехсервис”
корхоналари

Бошқа қишлоқ
хўжалик корхоналари

Лизинг шартлари:

Тракторлар ва комбайнлар учун

Бошқа турдаги қишлоқ хұжалик техникалари учун

Аванс –
техника
қиймати-
нинг 15%
миқдорида

Лизинг
муддати –
7-10 йил

Лизинг
маржаси
(фоизи) –
Марказий
банк қайта
молиялаш
ставкаси-
нинг 50
фоизи
миқдори-
дан
ошмайды

Аванс –
техника
қиймати-
нинг
20-40%
миқдорида

Лизинг
муддати –
3 йилгача

Лизинг
маржаси
(фоизи)
лизинг
шартнома-
си
шартлари
асосида
белгилана-
ди

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг асосида етказиб берилаётган техникалар РЎЙХАТИ

Т.р.	Лизингга етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик техникалари			нархи	
	тури	русуми	ишлаб чиқарувчи	валюта бирлиги	қиймати
I гурӯҳ. ҒАЛЛА ВА ЕМ ХАШАК ЎРИШ КОМБАЙНЛАРИ					
1	Ғалла ўриш комбайни	Tucano-430	"ЎзКлаасАгро" МЧЖ	EURO	157 000
2	Ғалла ўриш комбайни	Dominator-130	"ЎзКлаасАгро" МЧЖ	EURO	82 500
3	Ем-хашак ўриш комбайни	Jaguar-810 (830)	"ЎзКлаасАгро" МЧЖ	EURO	261 600
II гурӯҳ. ТРАКТОРЛАР					
4	Ҳайдов трактори	Axion-640	"ЎзКлаасАгро" МЧЖ	EURO	128 000
5	Ҳайдов трактори	Arion-630c	"ЎзКлаасАгро" МЧЖ	EURO	71 500
6	Ҳайдов трактори	AXOS-340c	"ЎзКлаасАгро" МЧЖ	EURO	43 800
7	Ҳайдов трактори	TS-135	"ЎзКейсТрактор" ҚҚ	USD	65 200
8	Ҳайдов трактори	TL-100	"ЎзКейсТрактор" ҚҚ	USD	44 880
9	Чопиқ трактори	TT3-80.11	"Тошкент трактор заводи"	сўм	48 498 000
10	Транспорт трактори	TT3-80.10	"Тошкент трактор заводи"	сўм	46 419 600

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг асосида етказиб берилаётган техникалар РЎЙХАТИ

Т.р.	Лизингга етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик техникалари			нархи	
	тури	русуми	ишлаб чиқарувчи	валюта бирлиги	қиймати
III гурӯҳ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ (қиймати 18 млн. сўмдан юқори)					
11	Пахта териш машинаси	MX-1,8	“Тошкент трактор заводи” ОАЖ	сўм	61 200 000
12	Хашакни зичлаб боғлагич	Marcant-55	"Uz CLAAS Agro" МЧЖ	ЕВРО	15 720
13	Пуркагич	VP-1	"Агрихим" МЧЖ	сўм	23 250 000
14	Ассенизатор	TAM-4	“Тошкент трактор заводи”	сўм	19 128 000
15	Пахта териш машинаси	MX-1,8	“Тошкент трактор заводи” ОАЖ	сўм	61 200 000
16	Плуг	EurOpal 7 (3+1)	“ЛЕМКЕН-Чирчиқ” ҚК	EURO	17 474
17	Тупроқ зичлагич	Variopack 110 DP 70	“ЛЕМКЕН-Чирчиқ” ҚК	EURO	8 354
18	Роторли борона	Zirkon 8/250	“ЛЕМКЕН-Чирчиқ” ҚК	EURO	10 450

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг асосида етказиб берилаётган техникалар РЎЙХАТИ

Т.р.	Лизингга етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик техникалари			нархи	
	тури	русуми	ишлаб чиқарувчи	валюта бирлиги	қиймати
IV гурӯҳ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ (қиймати 3 млн. сўмдан 18 млн. сўмгача)					
19	Чизелькультиватор	ЧКУ-4Б	"Чирчиққишлоқмаш"	сўм	9 110 202
20	Омоч	ПОН-3+1x45	"Ургенчкормаш"	сўм	14 500 000
21	Ўт ўргич - майдалагич	КИР-1,5	"Ургенчкормаш"	сўм	11 800 000
22	Ўт ўргич - майдалагич	КИР-1,5Г	"Агрегат заводи" ОАЖ	сўм	12 775 560
23	Трактор тиркамаси	2ПТС-4-793-03А	"Тошкент трактор заводи"	сўм	11 110 800
24	Чанглатгич	ОШУ-200	"Агрихим" МЧЖ	сўм	6 960 000
25	Культиватор	КУ-4ВМ	"Ургенчкормаш"	сўм	11 800 000
26	Пуркагич	ОВХ-600	"Агрегат заводи" ОАЖ	сўм	8 204 640
27	Культиватор	КХУ-4Б	"Чирчиққишлоқмаш"	сўм	11 223 000
28	Чигит экиш сеялкаси (Қўшқатор)	СЧХ-4Б (Қўшқатор)	"Агрегат заводи" ОАЖ	сўм	9 804 000
29	Чигит экиш сеялкаси	СЧХ-4Б	"Агрегат заводи" ОАЖ	сўм	7 512 840

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг асосида етказиб берилаётган техникалар РЎЙХАТИ

Т.р.	Лизингга етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик техникалари			нархи	
	тури	русуми	ишлаб чиқарувчи	валюта бирлиги	қиймати
30	Омоч	ПЯ-3-35-2	"Ургенчкорммаш"	сўм	7 880 400
31	Ғўзани чеканка қилиш мосламаси	RChM-4Б	"Агрегат заводи" ОАЖ	сўм	3 618 600
32	Корчеватель	КЧУ-3,6	"Ургенчкорммаш"	сўм	3 140 000
33	Пуркагич	ОДК “Кариолла”	"Агрихим" МЧЖ	сўм	6 985 000
34	Гербицид сочиш агрегати	ОШХ-12-1А	"Агрегат заводи" ОАЖ	сўм	3 960 000
V гурух. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ (қиймати 3 млн. сўм ва ундан кам)					
35	Ўт ўргич	КОС-2,1	"Ургенчкорммаш"	сўм	2 100 000
36	Омоч	ПН-3-30	"Ургенчкорммаш"	сўм	2 128 620
37	Минерал ўғит сочгич	РМУ-0,5	"Агрегат заводи" ОАЖ	сўм	2 940 540
38	Пуркагич	ОРПД-12	"Агрихим" МЧЖ	сўм	2 190 000

“Тucano-430” русумли ғалла ўриш комбайни



Ишлаб чиқарувчи – “Uz CLAAS Agro” қўшма корхонаси
Нархи – 157 000 Евро

“Yaguar-850” русумли ем-хашак ўриш комбайни



Ишлаб чиқарувчи – “Uz CLAAS Agro” қўшма корхонаси
Нархи – 261 000 Евро

“Axion-850” русумли универсал трактор



**Ишлаб чиқарувчи – “Uz CLAAS Agro” қўшма корхонаси
Нархи – 128 000 Евро**

“Axos-340с” русумли универсал чопиқ трактори



**Ишлаб чиқарувчи – “Uz CLAAS Agro” қўшма корхонаси
Нархи – 43 800 Евро**

“Arion-630с” русумли ҳайдов трактори



**Ишлаб чиқарувчи – “Uz CLAAS Agro” қўшма корхонаси
Нархи – 71 500 Евро**

МХ-1,8 русумли пахта териш машинаси



Ишлаб чиқарувчи – “ТТЗ” ОАЖ
Нархи – 61 200 000 сўм

“EurOpal 7 (3+1)” омочи ва “Variopack” тупроқ майдалагич агрегати




**Ишлаб чиқарувчи – “ЛЕМКЕН-Чирчик” қўшма корхонаси
Нархи – 17 474 ва 8 354 Евро**

“Zirkon 8/250” ротацион борона



**Ишлаб чиқарувчи – “ЛЕМКЕН-Чирчик” қўшма корхонаси
Нархи – 10 450 Евро**

Плуг ПОН – 3+1×45 айланма омоч



Иш үнүмдорлиги – 1,5-2,5 га/соат
Хайдаш чуқурлиги – 40-45 см.


Ишлаб чиқарувчи – “Урганчозуқамаш” очиқ акциядорлик жамияти

КИР-1,5М роторли ўт ўргич-майдалагич




Иш үнүмдорлиги – 0,8-0,9 га/соат
Қамров кенглиги – 1,5 м.


**“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан
2008-2012 йилларда лизингга етказиб берилган техникалар қиймати**



**“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан
2008-2012 йилларда лизингга етказиб берилаётган техникалар
турларининг ўсиш динамикаси**



Ҳудудларнинг лизингга техника олишдаги улуши, фоизларда



**Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига техника етказиб беришда
қўйидаги 3 турдаги иқтисодий механизмдан фойдаланилмоқда:**

- лизинг компанияси томонидан қарз (кредит)га олинган маблағ ҳисобидан лизинг обьектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши;
- тижорат банклари томонидан Марказий банқдан олинган кредит ёки ўз маблағи ҳисобидан лизинг обьектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши;
- тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхонасига техника сотиб олиш учун кредит ажратилиши.

**Техникани лизингга олишда ёки кредит ҳисобидан сотиб олишда лизинг
механизмининг кредитта нисбатан афзаллиги
(ТТЗ-80.11 русумли трактор мисолида)**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Лизинг	Кредит
1.	Трактор нархи, сўм	44 550 263*	48 498 000
2.	Лизинг (кредит) муддати, йил	10	3
3.	Шартнома бўйича аванс тўлови фоизи, %	15	-
4.	Шартнома бўйича аванс тўлови суммаси, сўм	2 822 400	-
5.	Трактор нархининг молиялаштириладиган қисми, сўм - лизинг компанияси томонидан - тижорат банки томонидан	37 867 723	48 498 000
6.	Йиллик лизинг (кредит) фоизи, %	6	16
7.	Шартнома бўйича жами сумма - лизинг учун - 10 йилга, сўм - кредит учун - 3 йилга, сўм	56 005 170	60 460 840
8.	Лизинг (кредит) муддати мобайнида тўланадиган фоиз суммаси: - лизинг учун - 10 йил мобайнида, сўм - кредит учун - 3 йил мобайнида, сўм	11 454 970	11 962 840

* “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан лизингга бериладиган тракторлар нархига Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 майдаги 126-сонли қарорига асосан 8,14% чегирма қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 02.11.2000 йил 424-сонли
 “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-
 тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тракторлар ва ўрим-йиғим техникаларини
 лизингга бериш СХЕМАСИ



Компания томонидан лизинг олувчиларга қуийдаги консалтинг хизматлари күрсатилмоқда

- ❖ лизинг қонунчилиги, лизингга техникалар олиш тартиби ва лизинг шартномасини тузиш бўйича ҳуқуқий ёрдам;
- ❖ лизинг соҳасида бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш бўйича маслаҳатлар;
- ❖ лизингга техника олиш учун “Бизнес режа” тузиш тартиби бўйича амалий ёрдам;
- ❖ жойларда лизинг фаолиятини тушунтириш бўйича лизинг олувчилар иштироқида давра сұхбатлари ва семинарлар ўтказиш;
- ❖ лизингга олинаётган қишлоқ хўжалик техникалари ва уларнинг техник кўрсаткичлари тўғрисида реклама буклетлари тарқатиш.

«Агротехсервис-МТП» МЧЖлар ва МТПлар томонидан бажарилаётган механизация хизматларининг ўртача нархлари

(1 гектар)

Механизация хизмати турлари	Ўртача хизмат нархи (сўм)
Ер ҳайдаш	65 000 - 100 000
Чизеллаш	35 000 – 48 000
Бороналаш	18 000 – 23 000
Ер текислаш	22 000 – 35 000
Молалаш	18 000 – 23 000
Пол олиш	11 000 – 14 000
Чигит экиш	30 000 – 36 000
Ғалла ўриш	100 000 – 120 000
Пахта териш	100 000 – 125 000
Култивациялаш	15 000 – 22 000



Этиборларинги
учун раҳмат!